Dehqon elkasiga dunyo tayanar

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 11 НОЯБРЬ. СЕШАНБА №89 (5.859). Сотувда эркин нархда

КУЗГИ ШУДГОР: ХАТОЛАР НЕГА ТАКРОРЛАНАЯПТИ?

Кунлар совиб, қиш қиличини судраб келаётганидан дарак бераяпти. Шу боис кузги шудгор юмушларини бажариш муддати кундан-кунга қисқариб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги ҳар кун ғанимат. Буни ўз вақтида англаган республикамизнинг кўплаб вилоятлари кузги-қишки тадбирларни қизғин олиб бормоқда. Чунки кузги ер ҳайдаш сифатсиз ўтказилса, кейинги йил ҳосилига путур етиши аниқ. Хусусан, мамлакатимиз Президенти «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги фармойишида бу борадаги қолоқликнинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланилмаганлиги, кузги шудгор сифатсиз ўтказилганида экани кўрсатиб ўтилганди.

Хўш, шундай экан, бугунги кунда республика вилоятларида бу борадаги ишлар қай аҳволда? Кузги ер ҳайдаш юмушлари ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладими? Шу йил 7 ноябрга белгиланган кузги-қишки тадбирларнинг ўтказилиши ҳақидаги тезкор маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, юқоридаги саволларимизга жавоб тошгандай буламиз. Ўнга асосан республикамизда 1 миллион 543,7 минг гектар пахта ва бошқа экинлардан бўшаган ерлар шудгорланиши керак. Шундан бир кунда 8 минг 704 гектари ҳайдалаётир. Бу 0,6 фоизнигина ташкил этади. Бу камми ёки кўп? Албатта, оз! Чунки мавсум бошидан 209,2 минг гектаргина ер ҳайдалиб, бу борадаги режа 13,6 фоизга етказилган. Агарда бу иш юқоридаги суръатда кетадиган бўлса, яна бу ишга камида икки ой керак бўлади.

Ҳайдов тракторларининг ишлаши ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Яъни республика трактор саройларида 14 минг 362 та ҳайдов техникаси мавжуддир. Буларнинг қанчаси мавсумга шайлигини билмади-гу, лекин ўша куни бор-йўғи 1824 та тракторнинг ишлагани ва уларнинг ўртача иш унуми 4,8 гектарни ташкил қилгани бизга маълум. Бундан ташқари республикамиздаги мавжуд «Магнум» тракторидан унумли фойдаланилмаяпти. Мавжуд 554 та шундай техниканинг 126 таси ишлаб, уларнинг иш унумдорлиги 8,4 гектарга зўрга етказилди. Ваҳоланки, ўтган йили шу куни бор 11 минг 645 та трактордан 1916 таси ишлатилган.

Бўшаб қолган майдонларни ғўзапоядан тозалаш муҳим тадбирлардан биридир. Бироқ бунда ҳам иш суръати жуда паст. Мавсумда 902 минг гектар ердаги ғўзапоялар тозаланиши режалаштирилган. 7 ноябргача шундан 30,5 минг гектари тозаланиб, режа 3,4 фоизга зўрға етказилган. Ўтган йили шу даврда эса 35,8 минг гектар ердаги ғўзапоялар олиниб, бу борадаги топшириқ 4,2 фоизга борганди.

Майдонларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тўйинтириб ҳайдаш кейинги йил ҳосили мўл бўлишининг гаровидир. Бу борада силжишлар бор. Сўзимизнинг исботи сифатида республикамизда шу кунгача 35,93 минг гектарга фосфорли, 9,13 минг гектарга калийли, 7,8 минг гектарга маҳаллий ўғитлар солинганини келтириш мумкин.

Тармоқ таҳлили

Энди вилоятларга келсак, кузги-қишки тадбирларни амалга оширишда ҳам андижонликларга тан бермасдан иложимиз йўқ. Чунки давлатга пахта сотиш режасини республикада биринчилардан бўлиб бажарган вилоят деҳқонлари кейинги йил ҳосилига замин яратишда ҳам биринчи ўринда кетмоқда. Вилоятда 103 минг гектар кузги шудгор ўтказилиши керак. Механизаторлар бир кунда 1941 гектар ерни ҳайдаб кунлик кўрсаткични икки фоизга етказишмоқда. Мавсум бошидан эса 39,9 минг гектар майдон шудгорланиб, режа 38,7 фоизга етди. Шу куни 384 та трактор қатнашиб, уларнинг иш унуми 5,1 гектарни ташкил этди. «Магнум» тракторларининг ҳар бири 10,7 гектар ерни ҳайдади. 15,4 минг гектарга фосфорли, 7,8 минг гектарга калийли, 1,8 минг гектарга маҳаллий ўғитлар солинди. Тозаланиши лозим бўлган 40 минг гектар майдондаги ғўзапояларнинг 19,5 минг гектари бажарилди. Бу режанинг 48,8 фоизи, демакдир.

Бир қараганда фарғоналиклар Президентнинг юқорида таъкидлаб ўтилган фармойишидан тўғри хулоса чиқариб олган кўринади. Бундай дейишимизга асос бор. Масалан, вилоятда 80,5 минг гектар ер шудгорланиши лозим эди. Шундан шу кунгача 26,7 минг гектари ҳайдалиб, режа 33,2 фоизга етказилган. Кунига 945 гектар ер шудгор қилиниб, ўсиш 1,2 фоизни ташкил қилмоқда. Лекин вилоятда шу куни мавжуд 984 та трактордан 258 таси далага чиқиб, ҳар бир техниканинг иш унуми 3,7 гектарга етказилди. Бу республика кўрсаткичидан анча паст. Афтидан, мавжуд тракторларга ер тайёр эмас, ёки техниканинг ўзи носоз. Нима бўлганда ҳам бу ҳол ачинарли. Ачинарлиси шундаки, шу кунгача ҳайдалган ерларнинг бир гектарига ҳам 24,1 фоизга етган. Кунига 893 гектар ер ҳайдалиб, умумий топшириқнинг 0,9 фоизи миқдорида иш бажарилмоқда. Бунинг учун вилоятдаги мавжуд 996 та трактордан 254 таси қатнашиб, уларнинг ҳар бирининг иш унуми ўртача 3,5 гектарни ташкил қилди. Ҳайдалган ерларнинг 16,4 минг гектарига фосфорли ўғит солинган. Минг гектарига маҳаллий ўғит ташланиб шудгор қилинган. Аммо шудгор қилинган майдонларга бир грамм ҳам калийли ўғит берилмаган. Буни қандай тушуниш мумкин?

Кузги шудгор режасини 30 фоизга етказган Сирдарё вилоятида ҳам ишлар жадал эмас. Шу кунгача мавжуд 119,6 минг гектар ернинг 35,9 минг гектари ҳайдалиб бўлинди. Бироқ, бу ерда кунига бор-йўғи 394 гектар ҳайдалиб, режани бажариш 0,3 фоизга тушиб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири вилоятдаги мавжуд техникадан унумли фойдаланмасликдир. Бўлмаса шу куни 728 та трактордан 119 таси қатнашармиди? Уларнинг ўртача иш унумдорлиги атиги 3,3 гектарни ташкил этган. Бу ҳам ер ҳайдашга чиққан 61 та «Магнум» ҳиссасига тўғри келмоқда. Чунки уларнинг ҳар бири шу куни 10,5 гектардан шудгор қилган. Ёки бўлмасам ер тайёр эмасми? Шудгор олдидан майдонларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш ҳам вилоятда талабга мутлақо жавоб бермайди. Чунки бу ерда 10 минг гектар ерга маҳаллий ўғит солиниши мўлжалланган ҳолда шунинг 100 гектаригагина ғўнг тушган. Минерал ўғитлардан шу вақтгача умуман фойдаланилмаган. Сирдарё шароитида бу ҳол ташвишли.

Қорақалпоғистон Республикасида кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ерда 147 минг гектар майдон шудгорланиши мўлжалланган. Ҳозиргача шундан 35 минг гектари ҳайдалиб бўлинди. Бу умумий топшириқнинг 23,8 фоизини ташкил этди. Лекин республикада 1590 та трактордан бор-йўғи 198 тагинаси шудгорлашда қатнашмоқда. Айниқса, бу ерда ишлаётган «Магнум» тракторларининг иш унуми жуда паст. Яъни ҳар бир «Магнум» ўртача 4,2 гектар ҳайдаган. Республикада шунча ер ҳайдалибдики, аммо буларнинг бир гектарига ҳам ўғит ишлатилмаган. Бу эса ўз навбатида унумсиз бўлган Қорақалпоғистон ерларининг кейинги йили ҳосилдорлик янада пасайиб кетишига олиб келади.

Республиканинг қолган вилоятларида ҳам ер ҳайдаш ишлари кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Сўзимиз исботи учун яна бир неча мисоллар келтирсак. Одатда голиблар танқид қилинмайди. Бу йил қашқадарёликлар пахта режасини бажариб, муносиб мақтовга сазовор бўлишди. Бироқ вилоятда 202,7 минг гектар ер шудгорланиши керак бўлса-да, шу кунгача 3,7 минг гектаргина ер ҳайдалди. Бу умумий топшириқнинг 1,8 фоизи, демакдир. Бошқача айтганда, вилоятдаги 1640 та трактордан 105 тагинаси бу юмушда қатнашиб, уларнинг иш унумдорлиги 4,2 гектарга етказилди. Хоразм вилоятида эса 120 минг гектардан 9,3 минг гектари шудгор қилиниб бўлди. Трактор саройларидаги 1486 та техникадан 116 таси шудгорлашда қатнашди ва улар ёрдамида кунлик режанинг 0,5 фоизи бажарилди. Навоий вилоятида эса шу кунгача 3,5 фоизгагина ер ҳайдалди. Тошкент вилоятида умумий топшириқ эндигина 0,5 фоизга етди. Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида эса бу муҳим тадбирга умуман қўл урилгани ҳам йўқ.

Хулоса шуки, республика вилоятларида бу йилги кузги-қишки тадбирларнинг ўтказилиши ҳозирги талаблар даражасида эмас. Бу юмушда ўтган йилги хатолар такрорланмоқда. Шунинг учун ана шу камчиликларни тугатгани ҳолда, агротехник тадбирларни ўтказишга мутасаддилар муҳим ишни жонлантиришлари лозим. Эртаиндин қишли-қировли кунлар бошланиб, ер қотиб қолгандан кейин бунинг фойдаси йўқ. Бунинг натижасида кўкламда бажариладиган агротехник тадбирлар янада чўзилиши ва охир-оқибатда бармоқ тишлаб қолиш ҳеч гап эмас.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
мухбири.

Меҳнатобод туманининг «Пахтакор» ширкатлар уюшмасидаги «Сайҳун» деҳқон (фермер) хўжалиги деҳқонлари 96 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштиришди. Давлатга пахта сотиш топшириғи ортиғи билан уддаланди. Лекин ҳали далаларда ҳосил бор. Шу боис пахтакорлар айни кунларда ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун тер тўкишмоқда.

СУРАТДА: Хўжалик раҳбари Сулаймонқул ЙЎЛДОШЕВ жамоа аъзолари даврасида.

Б. ТЎРАЕВ олган сурат.

ОЛТИАРИҚЛИКЛАР ШИЖОАТИ

Инсон манфаатлари йилида фидокорона меҳнат қилган Олтиариқ тумани деҳқонлари Фарғона вилоятида иккинчи бўлиб галаба маррасига етиб келдилар. Қабул пунктларига жами 30.300 тонна юқори сифатли пахта топширилди.

Шўр ва тошлоқ ерларда деҳқончилик қилган «Нуробод» Қ. Каримов номли, Н. Қузибоев номли, «Жўрак», «Оқбўйра», Навоий номли жамоа хўжаликлари заршунослари йиллик режани 105-110 фоиздан оширдилар. Отақулов ва Охунбобоев номли хўжаликларнинг миришкорлари ҳам туман билан баравар зафар қучдилар.

Олтиариқда она ер табиатини ва тилини яхши биладиган тажрибакор бригадирлар талайгина. Шулардан нурободлик Э. Абдуллаев, Р. Аҳмадалиев, А. Рузалиев, оқбуйралик Р. Тоштемиров, А. Кенжаев, Х. Қудратов, жураклик Х. Каримов, Ж. Ҳожибуваев, Ш. Рустамов, Қ. Каримов номли жамоа хўжалигидан А. Сафаров, Ю. Назиров, С. Файзиев бошлиқ пудратчи бригадаларда ҳар гектар ердан 40-41 центнердан ҳосил етиштирилди. Туманда пудрат усулида иш юритаётган 186 та пахтачилик бригадасидан 115 таси йиллик режани барвақт бажарди.

— Бу йил экишда бироз қийинчиликларга дуч келган бўлсак ҳам Андижон технологияси ўз афзаллигини кўрсатди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Одилжон Иброҳимов, — пленка остита чигит экилган 1622 гектар, пушта устига уруғ тушган 4100 гектар майдонда пахта бўлиқ ривожланиб, эрта пишди. Янги усулнинг яна бир яхшилиги ишлов даврида ортиқча меҳнат, сарф-харажатлар камайди. Энг муҳими, Андижон усулида пахта эккан бригада, звеноларда ҳосилдорлик юқори бўлди.

Бугунги шодиёнамизнинг кўп жиҳати кузги-қишки ишларнинг сифатли ижросига боғлиқ. Биз ерларни маҳаллий, минерал ўғитга, яхшоб тўйиришга алоҳида эътибор бердик. Парвариш жараёнида агротехника талабларига амал қилдик, айниқса ерларнинг шароитига қараб оби-тобида суғоришга, сифатли ишлов беришга муваффақ бўлдик. Натижада пахта серҳосил бўлди. Кузги-қишки юмушларни маромида бажармоқдамиз. 6260 гектар майдонга «Скифянка», «Ёнбош» навли кузги бўғдой экдик. Экиндан бўшаган майдонлар шудгор қилинаётир.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
мухбири.

Хирмонга барака

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997 ЙИЛ 10 НОЯБРГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
ХОРАЗМ	**0,01**	**111,57**
АНДИЖОН	**0,03**	**106,30**
САМАРҚАНД	**0,11**	**101,11**
ҚАШҚАДАРЁ	**0,02**	**100,29**
Фарғона	0,32	93,32
Наманган	0,35	92,55
Тошкент	0,17	89,96
Сурхондарё	0,17	88,96
Қорақалпоғистон Республикаси	0,19	85,15
Бухоро	0,25	84,18
Жиззах	0,08	71,96
Сирдарё	0,01	68,06
Республика бўйича	0,15	90,97
1996 йилда	0,27	82,44

ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

(Тонна ҳисобида)

Сурхондарё	113	76851
Қашқадарё	0	8821
Республика бўйича	113	85672
1996 йилда	276	59977

Матбуот сўзининг таъсири

ЧОРВАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР КЕРАК

Чорва-етти хазинанинг бири. Баракали маҳсулот оламан деган чорвадор авваламбор унинг емхашагига эътибор бермоғи керак. «Сигирнинг сути оғзида» дейишади. Дарҳақиқат, говмушлар қанча кўп ширали ем-хашак еса шунча сифатли, баракали сут беради. Ҳар бир чорвадор йил ўн икки ой чорвани парвариш қилмоғи жоиз. Бунинг учун етарли емхашак, ширали озуқа бўлиши керак. Кам сутли сигирларнинг зотли говмушлар билан алмаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Ана шуни ҳисобга олган республикамиз раҳбарияти кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш, унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича изчил тадбирларни амалга оширяпти. Бунга жавобан айрим туман, хўжалик чорвадорлари бирмунча ижобий ишларни амалга оширишди. «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 60-сонида чоп этилган «Чорвачиликда ўсиш. У нимага ҳисобига бўлаётир?» сарлавҳали танқидий мақолада Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент, Қашқадарё, Жиззах, Фарғона, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида чорвачиликка етарли эътибор берилмаганлиги кескин танқид қилиниб, камчиликлар рўй-рост очиб ташланган эди.

Танқиддан тегишли хулоса чиқарган Жиззах вилояти чорвадорлари ўз ишларида кескин ўзгариш қиляптилар. Буни куни-кеча «Қишлоқ ҳаёти» таҳририятига Жиззах вилояти ҳокимиятининг йўллаган хатидан ҳам билса бўлади. Уни ҳеч ўзгаришсиз эътиборингизга хавола этамиз:

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Қишлоқ ҳаёти» рузномасининг 60-сонида босилган «Чорвачиликда ўсиш. У нималар ҳисобига бўлаётир?» сарлавҳали мақолани ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ушбу мақола вилоят чорвадорлари ўртасида муҳокама қилинди ҳамда унда келтирилган камчиликларни тузатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳақиқатдан ҳам ўтган 1996 йилда пахта ва ғалла майдонларининг бирмунча кўпайиши натижасида озуқа экин майдонлари камайди, мавжуд сувли ерлардан имконият даражасидан паст ҳосил олиниши натижасида вилоят бўйича жами 44,5 минг тонна озуқа бирлиги ҳисобида озуқа тайёрланди. Бу эса қишлов даврининг 50—60 кунига етди. Натижада мақолада кўрсатилганидек, чорва молларининг кўплаб чиқим бўлишига, гўшт, сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиб кетишига олиб келди. У ҳозиргача ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Чорвачиликда юзага келган оғир аҳволни ўнглаш, келажакда моллар бош сонини сақлаб қолиш ва улар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида озуқа экин майдонлари 39463 гектарга етказилди. Ўтган йилга нисбатан қарийб 8 минг гектарга оширилди. 5931 гектарга такрорий маккa экилди. Бундан ташқари минг гектарга оралиқ экин экиш режалаштирилди.

1997—1998 йил чорва қишлови учун ҳозиргача вилоят бўйича 150979 тонна дағал хашак, шу жумладан 66251 тонна пичан, 84728 тонна сомон, 13514 тонна сенаж, 2289 тонна силос тайёрланди. Бу 55195 тонна озуқа бирлигини ташкил этади. Бу йил ўтган йилга нисбатан 19597 тонна кўп дағал хашак жамғарилди ёки ҳар бир бош шартли молга нисбатан 2,9 центнер кўп озуқа бирлиги тайёрланди.

Сувли майдонларда бедани камида 4—5 марта уришга етказиш, 5226 гектар асосий майдондаги маккa силоси, 3982 гектарда дон учун экилган маккa поясини, 5931 гектардаги такрорий маккаларни уриб, чорва қишлов даври учун етарли озуқа жамғариш тадбирларини амалга ошираяпмиз.

Чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан ҳам бирмунча ишлар олиб борилмоқда. Хужаликдаги кам сут сигирлар ва ғунажинлар ўрнига маҳсулдор, наслли бузоқлар олинмоқда.

Вилоят хўжаликларини наслли ғунажинлар билан таъминлаш мақсадида наслчилик хўжалиги, 8 та наслчилик фермалари ташкил қилинган. Ҳозир уларда наслли ғунажинлар парвариш қилинмоқда.

Чорва молларини касалга чалинмасликлари учун ветеринария мутахассислари барча чораларни кўрмоқдалар.

Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари
С. ЭШБОЕВ.

ГАЗЕТХОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоят ва туманларида, ташкилот, идораларида, жамоа хўжаликларида 1998 йил учун маҳаллий нашрларга обуна бўлиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Бу муҳим ва масъулиятли мавсум Чортоқ туманида ҳам қизғин давом этмоқда.

Туман меҳнаткашлари инсон манфаатлари йилида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, барча соҳада қувончли натижаларга эришдилар. Бунда, албатта, уларга ҳар томонлама маънавий руҳ бағишлаб келаётган нашрларнинг жумладан, «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг мадади беқиёс бўлмоқда. Шу боис туманда бу газетага обуна бўлган муштарийлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейди доно халқимиз. Ана шундай фидойи муштарийларимиздан туман фермерлар уюшмаси раиси Одилжон Мамажонов, «Уста — деҳқон» фермер хўжалиги бошлиғи Ёқубжон Деҳқонбоев, «Чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари Умаржон Собиров, «Чортоқ» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Олимжон Мажидов, бригадирлардан Низомиддин Отабоев, Давлатали Акбаров, Абдуваббор Воҳидов, Шоҳобиддин Абдуллаевлар ўзларининг севимли нашрлари «Қишлоқ ҳаёти»га биринчи бўлиб ёзилдилар.

Шунингдек, бу хайрли ишда туманнинг барча ташкилот ва корхоналари фаол иштирок этиб, ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Натижада муштарийлар сони тобора ортиб бормоқда.

Эркин ТЎЛАГАНОВ
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ САФИГА ҚЎШИЛИНГ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Обуна бўлиш чакана савдодан харид қилишга нисбатан қулайлиги, иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги ҳида аҳамиятки обуна бўлтамиз хўжалик, корхона, ташкилот ва хонадонларга мунтазам етказиб берилади.

«Обуна-98»

Бу йил обуна баҳосини белгилашда худди ўтган йилгидек табақалаштирилган усулдан фойдаланилди. Яъни газета таҳририяти, қоғоз, босмахона ва бошқа харажатларни қоплаш учун кетадиган маблағларга Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг ҳар бирида газета-журналларни ташиш, тарқатишда талаб этиладиган сарф-харажатлар қўшилган ҳолда якуний обуна баҳоси белгиланган.

Қадрли муштарийларимиз! Келгуси йили «Қишлоқ ҳаёти» газетасини мунтазам равишда олиб турай десангиз, обуна бўлишга шошилинг.

Хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар учун индекс — 145.

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун индекс — 144.

ИСЛОҲОТ ИНСОН ХИЗМАТИДА

ДУО ОЛГАН РАИС

Ислоҳот хусусида сўз юритилганда баъзи хўжалик раҳбарлари камчиликлар, ечимини тополмаётган муаммолар бартараф этилишининг ягона йўли — маблағ дейишади. Эмишки, пул бўлса чангалда шўрва. Тўғри, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда пул муҳим аҳамиятга эга. Лекин, ислоҳот — бу пул дегани эмас. Ислоҳот деганда нимани тушунмоқ керак?

Келинг, душмани бошдан олиб қўйиб деҳқонча фикр юритайлик. Ислоҳот — ишни тубдан янгилаш, бошқача ишлаш, янгича фикрлаш демакдир. Ислоҳот, умри қисқа маблағ билан мавжуд муаммоларни вақтинча бартараф этиш эмас, балки, ана ўша маблағнинг йил ўн икки ой хўжалик хазинасига «оқиб туришига мустаҳкам замин яратиш, демакдир. Бунинг учун хўжалик юритишнинг янги қирраларини ўйлаб топиш, ишлаб чиқаришни замонавий технология асосида қайта қуриш ва ривожлантириш лозим. Ана ўшанда раҳбар бошини қашиб қаердан пул топиб одамларга маош берсам экан, мана бу муаммони қайси йўл билан ҳал этсам экан деб, Алининг дўпписини Валига кийдириб ўтирмайди. Бу борада юртбошимиз қайта-қайта қуйиниб гапираётганлиги ҳам бежиз эмас.

Янгича ишлаш ва фикрлашдан йироқ, ҳали ҳам осмондан чалпак ёғилишини кутиб ўтирган баъзи хўжаликларнинг ишида унум, кассасига тушум йўқ. Мустақиллик одамлар онгини ўзгартириб юборди. Меҳнаткаш меҳнатига яраша ҳақ олсам дейди. Баъзилар далада кетмон чопишдан кўра бозорда мўмай даромад топишни афзал билишмоқда. Бундайлар сафи қўпайиб бораётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ва ўз навбатида бу ҳам ҳаётий зарурат. Инсон борки, бошқалардан кам бўлмай яшагиси келади.

Ислоҳотнинг асл моҳиятини тўғри англаб етган, уни кечиктирмай ҳаётга тадбиқ этаётган хўжаликларда эса аҳвол бутунлай бошқача. Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги асосан чорвачилик ва мевасабзавот етиштиришга ихтисослашган. Мазкур хўжаликка тажрибали миришкор Сиддиқжон Муҳаммаджонов раҳбарлик қилади. Бу кишига раислик ота мерос. Меҳнатдан топилган обру-эътибор ҳеч қачон йўқолмайди. Бир вақтлар мазкур хўжаликка бош бўлган, раҳматлик Муҳаммаджон Фозилов фидойи инсонлардан эди. Хўжаликнинг машҳур бўлишлигида отанинг меҳнати беқиёс. Мободо у киши ҳақида гап очилиб қолингудек бўлса, раисни яхши биладиганларнинг чеҳраси ёришиб кетади. Биров отанинг ўта тадбиркорлиги хусусида сўзласа, бошқа бирови ҳалоллиги, камтарлигини тилга олади. Хайрли, эзгу иш изсиз кетмас экан. Хўжаликка Муҳаммаджон Фозилов номи берилди.

От ўрнини той босар деганларидек, Сиддиқжон ака отаси ишини давом эттириб хўжаликни илғорлар safидан мустаҳкам ўрин олишлигида ўзининг билим ва тажрибасини аямай келаяпти.

— Хўжаликда 1350 хонадон бор. 9 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади — дейди раис. — ҳаммаси ўзига тўқ. Енгил машина сотиб олмаган бирор хонадон топилмайди. Данғиллама уйларнинг ҳаммаси газлашган. Ичимлик суви билан таъминланган. Ёш оилаларга уй-жой учун ер ажратиб берилаяпти. Қурилиш материаллари билан таъминланаяпти. Баъзи жойларда ишчилар қўнимсизлиги авж олаётган бўлса, бизда ишга қабул қилишликни сўраб ариза бераётганлар кўп. Худога шукр, ҳеч кимдан бир мири қарзимиз йўқ. Аксинча, хазинамизда салмоқли маблағимиз бор. У йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Аъзоларга маош ўз вақтида берилаяпти. Ҳудудимиздаги ўзимиз қурган катта мактаб, болалар боғчаларининг таъминоти хўжалик ҳисобидан. Шаҳардан қатнаб ишлайдиган ўқитувчиларга қўшимча маош белгиланган. Аълочи ўқувчиларга ҳар ой стипендия бериб борилаяпти. Фахрийларга байрам кунлари арафасида моддий ёрдам берилмоқда. Оғир оёқли оналар беш ойда хомиладорлик таътилига чиқарилиб, уларга тўлиқ маош бериб борилаяпти. Бўлғур ана шундай хайрли ишларга беш миллион 332 минг сўм сарфланган бўлса, жорий йилда бу курсаттич тўққиз миллион сўмга етади.

Узумчиликда саккизта бригада бор. Жами 600 киши меҳнат қилади. Ҳозирнинг ўзида режадаги 2730 тонна урнига 5 минг тонна узум узиб олинди. Сут топшириш ҳажми 800 тоннага етказилади. Ана шу маҳсулотларнинг ўзидан тўқ-қиз ойда хўжалик хазинасига 60-70 миллион сўм соф фойда келиши кутилмоқда. Йил охирига бориб бу кўрсаттич янада ошади.

Чорвани сақлаб қолганмиз. Бир пайтлар бунинг учун аччиқ-чучук гаплар ҳам эшитганмиз. Мана энди чорва у ёқда турсин, фермасини тиклаёлмаётган хўжаликлар қанча. Жами 500 бош зотли қорамол бор. Шундан 250 таси соғин сигир. Ҳар бир сигирдан кунига 11-12 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинаяпти. Сут хўжаликнинг ўзида қайта ишланиб, беш хил маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Қишловга 1500 тонна сенаж ва силос, 200 тонна пичан, 500 тоннадан зиёд лавлаги жамғариб қўйилди.

Хўжалик иссиқхонасида 300 киши оилавий пудрат асосида меҳнат қилишади. Миришкорлардан Иброҳим Нурмуҳамедов ва Асом Зоҳидов бошлиқ бригадалар ҳар гектар узумзордан 22-25 тоннадан ҳосил олишди. Иссиқхона ишчиларидан Раҳима Сайдалиева, Манзура Муҳаммеджонова, Шоҳида Рихсиева каби жонқуярлар бошқаларга ўрнак бўлиб ишлашмоқда. Ишчиларнинг ойлик маоши катта.

Сиддиқжон аканинг сўзларини тинглар эканман, падари бузрукворининг хўжалик идораси олдига қўйилган мармар бюсти очилиши маросимида бир отахоннинг ихлос билан айтган гаплари ёдимга тушди:

— Муҳаммаджон ўз шаънига ҳам, жамоа шаънига ҳам доғ туширмай узоқ йиллар ҳалол ишлади. Элга хизмат қилди. Меҳнати зое кетмади. Ҳукумат қарори билан хўжаликка унинг номи берилди. Сен ҳам отанг каби одамларга хизмат қил. Жамоани янада ривожлантиришда омад ёр, Аллоҳ мададкор бўлсин, — деб дуо қилган эди.

Дуо олган омондур. Раис билан хўжаликни айланиб замонавий гўзар, оталар чойхонаси, янги мачит, шифохона, маиший хизмат шахобчалари ва бир неча кичик корхоналар ишлаб турганлигининг гувоҳи бўлдим. Шароб заводи кенгайтирилаяпти. Мева сақловчи омборхона ишга туширилибди. Ҳафтада бир янги оила ҳовли тўйи ўтказаяпти. Кунда, кунора хонадонлардан қарнай-сурнай овозлари эшитилиб турибди. Бунинг ҳаммаси тўқчиликдан, ҳукуматимиз раҳбарияти олга сураётган ҳаётбахш фармон ва қарорларнинг ҳаётга тадбиқ этилаётганлигидан нишона.

Сўнгги хулоса шуки, хўжалик юксалишнинг янги поғоналарига кўтарилиб бормоқда. Жамоа аъзоларининг меҳнатга муҳаббати, тўкин турмуши шундан далолат бериб турибди.

Мақола чоп этилаётганда хўжалик аъзолари 1998 йил учун «Қишлоқ ҳаёти» газетасига ёпасига обуна бўлаётганликлари тўғрисида маълум қилишди. Биз хўжалик аҳлига ҳамиша омад ёр бўлишлигини тилаб қоламиз.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



ҚИСҚА САТРЛАРДА

ОЛМАЛИҚДАГИ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёгарлари олимлар билан ҳамкорликда ўғитнинг самарали турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган «диаммонийфосфат» ана шундай янгиликлардан биридир. Тадқиқотлар унинг таркибидаги озиқ моддалар экинга яхши сингишини кўрсатди.

ҚУЙИЧИРЧИҚ тумани маркази Дўстобод шаҳрида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўшма корхона ишга тушди. Бу ерда тери қайта ишланиб, чарм куртка тайёрланади. Янги корхона очилиши туфайли икки юз киши иш билан таъминланди.

(ЎзА).

Зангиота туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги ғалладан 600 тоннадан зиёд сара дон йиғиштириб олдилар. Айни кунларда деҳқонлар кейинги йил ҳосили учун 160 гектар ерга ғалла экиб, уларни бир текисда ўсишини таъминладилар.

Суратда: ғалла даласидан лавҳалар.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

МИЖОЗ ДАРОМАДЛИ, ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛИ

Президентимиз Ислом Каримов Андижон вилояти меҳнаткашларига йиллик пахта тайёрлаш режаларини бажарганликлари муносабати билан йўллаган табригида ўзбек пахтачилиги тарихида Андижон тажрибаси янги даврни бошлаб берганлиги, жаҳон пахтачилигининг энг илғор ва замонавий усуллари мамлакатимизда биринчи марта ана шу мўътабар заминда синаб кўрилганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Ҳа, андижонликлар саховатли заминни эъзозлаб, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, узоқни кўзлаб иш юритганлиги учун нафақат пахтачиликда, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам бутун мамлакатга намуна бўлиб келаётганидан кунглимиз фахрларга тўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, жамоа хўжаликлари қанчалик иқтисодий бақувват бўлса, бизнинг ишларимиз юришаверади. Бу йил Избоскан тумани хўжаликлари далаларида ҳар доимгидан кўп мул ҳосил етиштирилди. Пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида ҳозирлик кўриш ва 'уни уюшқоқлик билан ўтказиш, пахта маҳсулоти хажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарори пахтакорларнинг белига қувват, дардига малҳам бўлди. Теримчилар, шунингдек пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш ва жойлаштириш, ишлов бериш, пахта териш ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ҳамда тузатиш билан банд бўлган ходимлар билан вақтида хисоб-китоб қилишларда ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахтабанки»миз жамоаси улар хизматида. Жамоамизда 30 нафар мутахассис меҳнат қилади. Бир юз саксон тўрт мижозларимизнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги тармоғига қарашли.

диев бошлиқ, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидан Р. Тожибоев бошлиқ бригадалар заршуносларининг 41-49 центнерга етказиб ҳосил олдилар. Андижон усули афзаллигини исбот этдилар.

Кимки уруғликни яхши танласа, дўғда қолмайди. Туманда 403 гектар майдонда «Бухоро-6» нави экилганди. Бу навдан ҳар гектар майдонда 31,2 центнердан ҳосил кутарилди. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида

Банк тизими ва хўжалик

режалар ортиғи билан уддаланаётгани кувончли. Давлатга 25 минг 694 тонна ғалла сотилди. Ундан ташқари беш минг тоннадан зиёдроқ сабзавот топширилди. Саноатда тўққиз ойлик режа 142,3 фоизга уддаланди. Буларнинг барчаси мустақил Ўзбекистонимиз равнақи учун туман меҳнаткашлари қўшаётган хиссадир.

Кимки эртанги кунга умидвор бўлса, бугун кўпроқ меҳнат қилиши лозим. Президентимиз Ислом Каримов Андижонга қилган сафари чоғида туманимиз меҳнаткашлари билан учрашиб суҳбатлашганди. Одамларимизга бу учрашув кутаринки руҳ, ғайрат-шижоат бағишлади.

Биз банк ходимлари ҳам теримда пахтакорларга ёрдамга чиқиб, баҳоли қудрат хиссамизни қўшдик. Мақсадимиз мижозларга намунали хизмат кўрсатиш. Бизнинг даргоҳга қадам ранжида қилган бирорта мижоз ҳам ранжимаслиги керак. Бу муқаддас шиоримизга айланган. Кредит беришда, пул қўчиришда, мақсадли тўловларни ўтказишда ҳеч ким овора бўлиб қолмайди. Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса дебиторкредитор қарзлар миқдорини камайтиришга эътиборни кучайтирганмиз. Мижозлар ва хўжаликлар иш ҳақларини ўз вақтида олишаётир. Туманда банклар кўпаймоқда. Ўзаро беллашув авжига чиқмоқда. Мижозлар ўз ихтиёри билан танлаб-танлаб банкларда ҳисоб рақамларини очишмоқда. Холис хизмат қилишни удласидан чиқаётган банк жамоалари гуллаб яшнамоқда.

Мана қирқ йилдирки, банк соҳасида меҳнат қилиб келяпман. Ўн беш йилдан бери бошқарувчиман. Банк соҳасида ҳалол ва адолатли ишламасангиз, узоқ раҳбарлик қила олмайсиз. Фаолиятимиз мезони — ҳалоллик, узгалар мулкига кўз олайтирмаслик. Жамоамиз аҳил. Бу эса мижозлар билан алоқаларни узаро ишонч асосида қўришга йўл очмоқда. Бош ҳисобчи Равза Содиқова, кредитрежалаштириш бўлими мутахассиси Нодир Маҳмудов, ҳазина бўлими мудири Ёқутхон Ибрагимова, хазиначи Ҳайринисо Усмонова, компьютер бўлими бошлиғи Нодира Қорабоевалар ўзининг малакаси ва дилгирлиги, хушмуомалалиги билан мижозлар ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

Жамоамиз аъзолари ўртача тўрт минг сўмдан маош олишмоқда. Ойлик мукофотлар берилмоқда. Ким меҳнат таътилига чиқаётган бўлса унга икки ойлик маоши миқдорида рағбат пули берилади. Қишки мавсумга ишчи мутахассисларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун алоҳида маблағ берилди. Ўтган йили банк ҳисобидан беш килограммдан гўшт, юз килограммдан шоли берилганди. Ўн ойда йигирма саккиз миллион сўм даромад қилинди. Бир ярим миллион сўм соф фойда олдик. Касса режаси 104,4 фоизга бажарилди. Муомалага пул чиқариш режага нисбатан 4,6 фоизга иқтисод қилинди. Бунга касса режаси ортиғи билан бажарилиши эвазига эришилди.

Яхши меҳнат қилаётганларга шароит яратиб бериш ҳам қарз, ҳам фарз. Ўтиз беш ходимга мўлжалланган замонавий янги бино қурилиши бу йил ниҳоясига етади. Жорий йилнинг ўзида янги бино қурилишига ун тўрт миллион сум сарфланди. Малакали мутахассислар — келажак пойдеворидир. Ёш мутахассисларнинг билим даражасини ошириш доимо эътиборда. Масалан, ёш мутахассислардан Акром Аблуваҳобов Андижон халқ хўжалиги олийгоҳида, Диля Беккулова эса Марғилон ҳисоб-кредит техникумида банк ҳисобидан ўқишмоқда.

Мижозлари кўп, сердаромад банкнинг истиқболи порлоқ. «Шарқ юлдузи», А. Тиллабоев номли, Бобир номли жамоа хўжаликлари молиявий бақувват мижозлар сирасига киради. Улар билан ҳисоб-китоблар икки томон учун ҳам қулай. Республика, вилоят ва туман миқёсида бериладиган барча тўлов-топшириқномалар ўз вақтида ўтказилиши таъминланаётгани учун шериклар мамнун. Республика ҳукуматининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Савдо шаҳобчаларида саккиз турдаги энг зарур халқ истеъмоли моллари бўлишини таъминлаш учун ўз маблағларимиз ҳисобидан имтиёзли кредитлар бераяпмиз.

Банк тизимида жорий этилган замонавий техник асбобускуналардан оқилона фойдаланиш, мижозларга янада яхшироқ хизмат кўрсатиш, мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш доимо диққат эътиборимизда.

Болтабой РАҲИМОВ,
Ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахта банк»нинг Андижон вилояти Пойтуғ бўлими бошқарувчиси.

РАҒБАТ КУЧИ

Деҳқон умид билан қадаган уруғи баракасини кўпга берсин, кўп қатори бизга ҳам берсин, дея яхши ниятлар қилиб ҳамма қатори ҳаракатимизни эрта баҳордаёқ бошлаган эдик. Барча агротехник тадбирларни муддатида, сифатли ўтказишга интилдик. Экинларга оби ҳаёт тарашда айниқса зийрак тартиб ишладик. Чунки биз томонларда беҳуда сарфланган бир томчи сувнинг ҳам қадри билинади.

Амалдаги йилда 17166 гектар майдонда пахта етиштирдик. Шу кунларда 31600 тонналик хирмон бунёд этиш ҳаракати тобора қизғин тус олмоқда. Ҳосилнинг асосий қисмини октябрь ойининг биринчи ярмида йиғиштириб олинди. Далаларда режани ошириб қоплайдиган даражада ҳосил бор.

Бизда сув масаласи ниҳоятда оғир. Шу сабабли илғарилари катта майдонлардаги экинлар оби ҳаётга қонмай қоларди. Натижада кўзланган ҳосил унмас эди. Шунга барҳам бериш мақсадида туманимиз ҳудудидан ўтган катта каналдан сув тақчиллиги сезиладиган ерларга ариқ очдик. Ёзда Ҳамза номли ширкатлар уюшмаси ва қўшни хўжаликлар ерларидан 2 минг гектар майдонга сув чиқди. Бунда туман ҳокимининг саъй-ҳаракатлари катта бўлди.

Далаларда зангори кемалар жавлон урмоқда. Илғорлар ҳар беш кунда рағбатлантирилаяпти. Иш ҳақи вақтида тўланаяпти. Мавжуд техникадан унумли фойдаланишга эътибор кучайтирилган. Чунки, не-не машаққатлар эвазига етиштирилган оқ олтинимизнинг асосий қисмини саранжомлаб олиш техника зимасида.

Саккиз хўжалик, 12 та мустақил деҳқон хўжаликларида мавсум уюшқоқлик билан ташкил этилган. Йиғим-терим айниқса Ҳамза номли, «Меҳнатобод», «Пахтакор», Ғанишер Юнусов номли Охунбобоев номли хўжаликларда жадал бормоқда. Илғор бригадаларда чўл шароитида гектаридан 30—32 центнердан ҳосил саранжомланаяпти.

Мавсумда Ҳамза номли хўжалик аъзоларининг фидойилигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Раим Аҳмедов раҳбарлик қилаётган ушбу хўжалик пахтакорлари бу йил 2236 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Шу кунларда 4700 тонналик хирмон кутариш ниятида уюшманинг барча меҳнат аҳли бир жон, бир тан бўлиб ғайрат кўрсатаяпти. Дала шийпонлари зарур нарсалар билан таъминланган. Иссиқ овқат, чой тайёр.

Шунингдек, деҳқон хўжаликларида ҳам ҳал қилувчи палла юмушлари тобора авж олаяпти. Ислоҳотлар муваффақияти амалда кўринаётир. Буни «Сайхун» деҳқон хўжалигида мисолида ҳам кўриш мумкин. 90 гектар майдонда оппоқ очилган пахтани кўрган кишининг кўзи қувнайди. Мулжал: ҳар гектар пахтазордан 30 центнердан ошириб дур йиғиштириш. Бу Меҳнатобод шароитида яхши кўрсаткич.

Дала кишисининг бугун қўли-қўлига тегмайдиган дамлар. Унинг ташвиши оқ олтинни тезроқ ғамлаб олиш, шу билан бирга кузги дон экишни муддатида тамомлашдир. Келгуси йилда ғалла етиштиришга ажратилган 11 минг гектар майдоннинг асосий қисмида дон экиб бўлинди. Бир текис майса ундириб олиш. 1998 йилда мўл дон ундириган майдонларда учун белгиланган тадбирларни амалга ошираяпмиз.

Ризқини заминдан ундиргувчи инсон борки бугун фикри-зикри далада. Орзуси оқ олтин хирмонидай юксак. Деҳқончилигимдан мўмай даромад олсам, юртим иқтисоди бақувват бўлса дейди. Шундай эзгу орзулар оғушида меҳнатободлик марди майдонлар ҳам фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Жумабой АБДУРАИМОВ,
Меҳнатобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Пешку тумани хабарлари

ЯНА 50 ТОННА

Бу йилги оқ олтин йиғим-теримида Охунбобоев номли жамоа хўжалигида пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Ўктам Абдуллаев бошлиқ бригада миришкорлари давлатга пахта сотиш режасини ошиғи билан бажардилар. Қабул пунктига 104 тонна хомашё етказиб берилди.

Пахтакорлар ўз имкониятларини чамалаб чиқиб яна 50 тонна ҳосил топширишга қарор қилдилар.

ХАРИДОРГИР ВА СИФАТЛИ

Шу кунларда пахтакорларга кўчма савдо, тиббий хизмат, маиший хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, «Фарҳод» фирмаси (раҳбари Эркин Аслонов) хизматидан нафақат «Боғимусо» жамоаси меҳнаткашлари, қўшни «Ўзбекистон», «Дўстлик» ва «Туркистон» хўжаликлари пахтакорлари ҳам мамнунлар.

Сотувчи Азамат Ҳакимов ўзининг хушмуомалалиги ва чаққонлиги билан далада ишловчиларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Фирма дўконида харидоргир моллар кўп. Эркин Аслонов Тошкент, Фарғона, Навоий шаҳарларига тез-тез бориб у ерлардан сифатли маҳсулотлар олиб келиб, аҳоли талабини мунтазам қондиришга ҳаракат қилмоқда.

БАЛЛИ, КЎМАКДОШЛАР

Туман тайёрлов савдо ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этмоқдалар. Авезмурод Ниёзов раҳбарлигида пахта йиғим-теримига чиқаётган Гули Жониева, Муртозо Остонов, Азим Баҳронов ва Ноила Аловиддиновалар «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 4 ва 5 бригадалари хирмонига барака киритмоқдалар.

ЯШИЛ МАЙСА

Ибн Сино номли жамоа хўжалиги аъзолари биринчилардан бўлиб кузги буғдой экишни тугалладилар. Ғалла ҳосилдор ерларга экилди. Экиш олдидан заминга зарур ўғитлар берилди. Майдонларга Андижондан олиб келинган серҳосил буғдой навлари сепилди. Уларнинг нияти 320 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 70-80 центнердан дон олишдир.

Ерларни тайёрлашда Тўра Ниёзов, Ашраф Қосимов каби механизаторлар, Қаҳрамон Аҳмедов, Шавкат Тожиев, Муҳиддин Элмуродов, Акмал Ҳасанов каби деҳқонлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Ғалла экилган майдонларда яшил майсалар бўй кўрсатди.

Собиржон ҚОДИРОВ.

ПАРВАРИШ — МУҲИМ ЮМУШ

Бўка туманидаги «Кукорол» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам республикамиз ғалла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бу йил 600 гектар майдонга «Скифянка» навли уруғ сепишганди. Бугун асосий майдонларда уруғ тўлиқ униб чиқиб, ялпоқ товланаётир.

Кузги юмушларни сифатли амалга оширишда Ғаффор Жонтосов, Раимберди Авезов, Солижон Мадаминовлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари пешқадамлик қилишаяпти. Улар ниҳоллар парваришини илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратмоқдалар.

— Ғалла халқимизнинг ризқ-рўзи, дастурхонимиз кўрки бўлибгина қолмай, даромад манбаи эканлигини яхши англаган деҳқонларимиз тармоқни ривожлантиришга алоҳида масъулият билан ёндошмоқдалар, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Раҳмонжон Саидов. — Барча бригадаларда униб чиққан майсаларни пайҳон қилинишига йўл қўймаслик учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган.

«Кукорол»лик ғаллакорлар келгуси йил мамлакатимиз хирмонига 1800 тонна сара дон етказиб беришни режалаштиришган. Улар ҳозирги кунда ана шундай эзгу ният йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Э. ҲАСАНОВ.

ЎНГЛАНИШ ЙЎЛИ

Корхона жамоа ва шартнома

У билан танишганимизга бир ярим йилдан ошиб қолди. «Бозор муносабатларига утилаётган ҳозирги мураккаб шароитларда муваффақиятли фаолият кўргазаётган корхоналардан бир-иккитасини айтинг, газетамизда ёритайлик», деганимда уша пайтда Тоҳиржонни тавсия қилишган эди.

— Ишлари дуруст, тиришқоқ, инсон сифатида ҳам тузук йигит, — дейишганди.

Танаффус пайти озгина суҳбатлашиб, кейинроқ бафуржа гурунглашишга келишиб ҳам олдик.

— Мен тўгримда ёзиш шартмикин? — савол ташлади Тоҳиржон. Уз вазифамизни қўлдан келганча уддалаяпмиз, холос!

Бозор иқтисодиёти кўп нарсани янгилаб юборди.

— Сизнинг муносабатингиз қандай? — деб сўрадим суҳбатдошимдан.

— Бозор иқтисодиёти кимнинг ким эканини бехато аниқлайдиган ўзига хос синов бўлмоқда, — деди Тоҳиржон. — Эндиликда ҳеч ким ҳеч нима ажратмайди. Ҳамма нарсани пешона теринг эвазига топишинг керак. Ризқ-рўз дея югуриб-елмасанг, кун сайин ночор аҳволга тушиб боравераса. Аксинча, ақлини ишга солган, тадбиркорлик билан тутган кишиларнинг ошиги олчи бўлмоқда...

Офтоб ҳаёт манбаи бўлганидек, бозор иқтисодиёти ҳам тирикчиликни тўгри ташкил этишнинг ишончли омилларидандир. Буни тушунмаслик, инкор этиш боқимандалик аломати бўлиб, мутеликни кўмсаш, кимгадир қарам бўлиб яшашга мойилликдан бошқа нарса эмас.

— Ҳозирги шароитда раҳбар нималарга кўпроқ эътибор бериши керак? — сўрадим Тоҳиржондан.

— Ҳисоб-китобга. Бу ишни ҳисобчининг зиммасига юклаб қўйиш тўгри эмас. Чунки ҳисоб-китоб ишларида сал улда-жўлдаликка йўл қўйилса, кўпгина даромаддан маҳрум бўлиш ёки солиқ маҳкамаси катта миқдорда жарима солиши мумкин. Тоҳиржоннинг мулоҳазалари амалий фаолиятда ўзининг яққол аксини топаётир. У раҳбарлик қилаётган Мирзо Улуғбек номли ҳиссадорлик жамияти шу йилнинг тўққиз ойи давомида 38 миллион 867 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши керак эди. Ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 46 миллион 13 минг сўмни ташкил этди, шундан соф фойда 5 миллион 700 минг сўмдан кўпроқдир.

Тўқсонга яқин киши меҳнат қиладиган корхона учун бу дуруст натижадир. Энг муҳими, меҳнат жамоаси «топганим — ўзимники» деган қайфиятдан йироқдир. Ушбу ҳиссадорлик жамияти маблағи ҳисобига июль-август ойларида Булунгур туман болалар шифохонаси таъмирлаб берилди. Тумандаги касб-ҳунар лицейига мунтазам оталиқ ёрдами кўрсатилаётир, бошқа ҳайрия тадбирлар қилинаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда мева-сабзавотчилик, узумчиликни тараққий эттиришни назарда тутиб «Узмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмасини «Узмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясига айлантириш ва ҳудудий мева-сабзавот бирлашмаларини тузиш тўгрисидаги қарорига асосан Булунгур туманида ҳам тўртта жамоа хўжалиги ва иккита қайта ишлаш корхонасини бирлаштирувчи янги фирма тузилган эди. Унга раҳбарлик қилиш Тоҳиржон Жуманов зиммасига юкланди.

— Ташвишингиз кўпайган бўлса керак? — қизиқсиндик.

— Кўпайди. бунчалик юк ва масъулият бўлишини хаёлга ҳам келтирмагандим, — очиқ тан олди у.

Дарвоқе, хўжаликларнинг ҳар қайсиси қирқ миллион сўмгача қарздор, Булунгур шароби фирмаси таркибига кирган иккинчи қайта ишлаш корхонаси ҳам молиявий жиҳатдан ўта ночор ҳолатда эканлиги инобатга олинса, раҳбарнинг иши оғирлигини пайқаш қийин эмас.

—Хомаки иш режасини тузиб олдим, лекин барибир ташвиш устига ташвиш ёгиляпти, — деди у. — Барибир қайта ишлаш корхоналарининг ва хом ашё етиштирувчи хўжаликларнинг бу тарзда ягона фирма бириктирилиши яхши бўлди. Кейинги пайтда узумчиликка эътибор ниҳоятда сусайиб, хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликка дарз кетган эди. Энди мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишга киришсак, сўзсиз яқин келажакда ижобий томонга жиддий ўзгаришга эришамиз. Энг муҳими, қайта ишлаш корхонаси эҳтиёжлари асосий мезон қилиб олинганлигидир. Лекин бу етакчилик шунчаки кўрсатма асосида эмас, балки ўзаро манфаатдорлик асосида йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда биз жами акцияларимизнинг 10 фоиз миқдорини узум етиштирувчи хўжаликлар аъзоларига тарқатяпмиз. Агар улар қайта ишланган маҳсулотдан тушган фойданинг маълум бир қисмидан ўз улушларини олишга амалда ишонч ҳосил қилишса, ишларимиз юришиб кетиши аниқ.

Дастлабки суҳбатимиз пайти Тоҳиржон: «Ҳар бир корхона албатта ўз ўрни, мавқеига эга бўлиши керак» деган фикрни айтганди. Бу масала қандай ечимини топаётгани билан қизиқдим.

— Қайта ишлаш корхоналари ва хўжаликларнинг фирма тарзида бирлашиши туфайли бунга энди шароит яратилмоқда. Ажаб эмаски, серқуёш ўлкамизнинг офтобига тўйинган маҳсулотларимиз мижозларга манзур бўлса...

Шояд! ҳар ҳолда Т. Жумановдек изланувчан, давр талабларини илғаб фаолият кўрсатаётган раҳбарлар бор экан, юртимиз тамғаси босилган маҳсулотлар хорижда ҳам шуҳрат топишига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Бу йўлда биз уларга омад тилаймиз.

Суҳбатимиз якунида Тоҳиржон шундай деди:

— Қишлоқ аҳлининг орзу-интилишлари, мамлакатимизда содир бўлаётган муҳим воқеалар, ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, ислоҳотлар моҳиятини мунтазам ёритиб бораётган «Қишлоқ ҳаёти» газетасини биз доимий ҳамкоримиз деб биламиз. шундан келиб чиқиб, 1998 йил учун «Булунгур шароби» фирмаси буйича камида юз донага обунани ташкил этишни зиммамизга оламиз...

Ш. АЛЛАМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ризқ-рўз сарчашмаси

ЖАННАТИ БОҒ СОҲИБЛАРИ

Эл олқишини қозониш ҳар кимга насиб этавермайди. Бунинг учун тинмай изланиш, элим, юртим деб югуриб-елиб ишлаш керак. Муродулла Саидов худди шу йўлни танлади. Ҳалоллик, поклик билан иш юритди, ҳамиша кўпнинг ташвиши билан яшади. Ота-боболари чорвадор ўтган женовликлар чорвачиликни унута бошлаган эдилар. Хўжаликда чорва туёқ сони кескин камайиб, аҳоли мева ва сабзавот маҳсулотларини асосан бозордан сотиб олиб истеъмол қилишарди. Муродулла Саидов хўжаликка бошлиқ бўлди-ю, ҳамқишлоқлари билан маслаҳатлашиб масалани кўндаланг қўйди: мамлакатда пахта ҳам керак, гўшт билан сут ҳам. Боғ ташкил этиш, мевани кўпайтириш зарур.

Хўжалик раҳбари женовликларнинг кўнглидагини топиб айтган эди. Жамоа аъзолари баҳамжиҳат ишга киришди. Интилганга зафар ёр. Ҳар қаламда доно қариялар маслаҳати асқотди. Мол озуқаси мул-кўллигига эришилди. Моли тўқнинг кўнгли ҳам тўқ бўлиб, иши бароридан келаркан. Хўжаликда чорва маҳсулотлари кўпайиб, гўшт ва сут етиштириш режалари ортиги билан бажарилди. Энг муҳими, чорва туёқ сони кўпайтирилди. Мактаб ўқувчиларига, боғча кичкинтойларига уша йили бепул сут етказиб берилди. Бу эса ота-оналарни беҳад қувонтирди. Ушанда бу туманда эзгу иш эди. Раҳбарнинг ишбилармонлиги, женовликларнинг фидокорона меҳнати туфайли хўжалик қаддини тиклади, боғлар болга, дастурхонлар хайру баракага тўлди.

— Хўжалигимизда қолоқ соҳа қолмади, — дейди Муродулла Саидов, — барча тармоқ бир текис ривожланмоқда. Шу сабабдан ҳам даромад кўпаймоқда. Бултур хўжалигимизда 125 миллион сўм даромад қилинди. Биргина пахтачиликдан олинган даромад 90 миллион ошиб кетди. Узоқ йиллар қарзга ботган чорвадорларимиз ҳам йилни яхши якунлашди. 5 миллион сўмдан зиёд даромад кўрилди...

Хўжалик юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Шу ўринда хўжалик боғбонларининг қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгинг келади. Етиштирилаётган ширин-шарбат мева, узум, турли хилдаги сабзавот маҳсулотлар фақат Усмон Юсупов тумани деҳқон бозорини эмас, вилоятнинг турли туман ва шаҳарлардаги катта бозорларини ҳам безаб, харидорларни хушнуд этмоқда. Асрлар оша чорвачилик билан шуғулланиб келган женовликлар эндиликда ажойиб боғбонлари туфайли Боғи эрамдан қолишмайдиган кўркам боғу роғларга ҳам эга бўлишди.

Женов қишлоғининг шундоқ биқинида барпо этилган боғ кўрганларни мафтун этади. Бу ерда олма дейсизми, шафтоли, нок дейсизми, бодом, уригу хурмо дейсизми, хуллас, асл меваларнинг ҳамма хилидан бор. Боғда ҳар бир ниҳолни кўз қорачиғидек асрайдиган боғбонлар Рузиқул Ҳасанов, Тоҳир Ашуров, Гулмурод Баратов, Малика Абдиева, Мақсуда Муродова, Малика Худойбердиевалар қалб қўрини беришиб, ҳалол меҳнат қилишяпти.

Бепоён Қарши даштига йўли тушган меҳмонлар улар яраттан боғни, асрлар оша бир томчи сувга ташна бўлган чўли-биёбоннинг бугунги гўзал қиёфасини кўриб беҳад қувонмоқдалар, қадоқ қўлли миришкорларга қойил қолмоқдалар, уларни олқишламоқдалар.

Бу йил жамоа ҳудудида консерва ва шарбат ишлаб чиқарадиган цехлар қурилди. Маҳсулотларни шу ерда қайта ишлаш хўжаликка ҳам, боғбонларга ҳам наф келтирмоқда. Энди боғбон маҳсулотини узоқ бозорларга олиб бориб сотиш ташвишидан қутулди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, боғбон у ёки бу цех билан шартнома асосида иш юритади. Узи етиштирган маҳсулотни белгиланган нархда сота олади. Бу эса катта фойда келтиради.

Даромадга қараб буромад. Бугунги Женов қиёфаси шаҳардан қолишмайди. Кўркам кўча ва хиёбонлар, маъмурий ва турар-жой бинолари унинг кўркига кўрк қўшган. Завод, фабрикалар ишлаб турипти. Цехларда чевар қизлар араби гиламлар тўқиётган бўлса, йигитлар пиппиқ ғиштлар ишлаб чиқармоқда. Демак, улар юрт бойишини ўйлашяпти, шу қутлуғ ниятда югуриб-елишяпти. 1997 йил — хўжалик меҳнаткашлари, ҳаёт ва иқболига энг ёрқин из қолдириши керак. Хўжаликда иш шунга яраша ташкил этилган: 3000 тонна ғалла, 6550 тонна пахта, 240 тонна сабзавот, 200 тонна полиз, 100 тонна мева ва 30 тонна узум... Зеро женовликлар сўзи билан иши бирдир.

Беихтиёр, Муродилла Саидовнинг ҳамқишлоқларига айтган гаплари ёдимга келди.

— Боғи эрам қайда, деб уни бегона ерлардан изламайлик. Меҳнатимиз билан Женовни жаннатга айлантирайлик.

Раиснинг орзуси руёбга чиқди. Қарши даштида таркиб топган қўриқ Усмон Юсупов туманидаги Женов давлат хўжалигининг қадимий Женов қишлоғи боғ-роғлари, сулим гўшалари билан бугун жаннатни эслатади.

Бозор ЭРКОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЖАҲОН АНДОЗАСИГА МОС

Санкт-Петербург шаҳрида тўртинчи халқаро ихтисослашган ярмарка ниҳоясига етди. Унда хушкайфият бағишловчи ичимликлар ишлаб чиқариш билан машғул фирма ва корхоналарнинг 537 хил маҳсулоти кўргазмага қўйилди ва медаллар учун танловда қатнашди.

Ўзбекистон, Арманистон, Грузия, Молдова, Испания, Украина, Россия каби ароқ-вино соҳасида нуфузга эга бўлган мамлакатларнинг етакчи мутахассисларидан иборат махсус ҳайъат аъзолари танловга қўйилган маҳсулотларни синчиклаб кўрикдан ўтказишди. Баҳолаш жараёни шундайки, ҳайъат аъзолари маҳсулотнинг эгаси ким эканини мутлақо билишмайди. Бинобарин, баҳо беришда иохолисликларга йўл қўйилмайди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси таркибига кирувчи корхоналарнинг 16 хил маҳсулоти ҳам танловга қўйилган эди. Шундан тўққизтаси медаллар билан тақдирланди. Чунончи, Самарқандга Ховренко номли шароб корхонасининг «Ўзбекистон» дея номланувчи десерт виноси олтин медаль билан тақдирланган бўлса, «Ғулакандоз» виноси, «Самарқанд бальзами», Янгийўл вино заводининг «Ўзбекистон» коньяги кумуш медалларга сазовор бўлди.

«Ўзбекистон шампани», «Алеатико» («Тошкентвино» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти»), «Жилвон» («Шоҳруд» фирмаси) винолари ва «Шодлик» (Янгийўл вино заводи) коньяги бронза медалига муносиб топилди.

— Ярмарка «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси таркибига кирувчи корхоналар маҳсулоти сифат жиҳатдан хорижникидан асло қолишмаслигини яна бир карра тасдиқлади, — дейди холдинг-компания ароқ-вино саноати бошқармаси бошлиғи Х. Жалилов. — Шу боис бизнинг маҳсулотларимизга қизиқиш катта. Лекин транспорт харажатларининг ниҳоятда юқори эканлиги, бошқа айрим сабаблар туфайли экспорт масаласида қийинчиликлар бор. Агар маҳсулотларимизни хорижга сотиш йўлидаги ғовлар бартараф этилса, экспорт борасида катта силжиш юз беришига шубҳа йўқ.

Булар ҳукуматимизнинг четга маҳсулот сотишни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўраётган тадбирлари ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

А. ШЕРОВ.



Чорва қишловига тайёрмисиз?

ОЗУҚА МЎЛЛИГИ МАҲСУЛОТ СЕРОБЛИГИ

Косон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг Алимардон Номозов раҳбарлик қилаётган чорвачилик фермасида чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилди. Айни пайтда бу ерда 750 бош мол парваришланаяпти. 270 боши соғин сигир бўлиб, жорий йилда 520 тонна сут ишлаб чиқариш режалаштирилган. Кунига 1,5 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Бунда албатта озуқанинг етарли бўлиши катта аҳамият касб этаяпти. Қишлов учун 500 тонна сомон, 130 тонна беда пичани, 1200 тонна сенаж, 400 тонна маккажўхори силоси, 30 тонна янтоқ сингари озуқа тайёрланди.

— Хўжаликдаги 300 гектар беда-зорни яхши парвариш қилганлигимиз учун озуқамиз мўл бўлди, — дейди чорвачилик фермаси мудири Алимардон Номозов. — Гектаридан 140 центнердан беда пичани олдик.

Болбуви Отамуродова, Салтанат Мўминова, Марям Эшматова сингари сут соғувчилар, Холмурод Тоиров, Абдуназар Мирзаев, Раҳмон Нарзуллаев каби тажрибали чорвадорларнинг меҳнатлараи таҳсинга лойиқ.

Хўжаликда чорвадорлар меҳнатига яраша ҳақ тўланяпти. Шу боис бу ерда чорвачиликдан ҳар йили яхши даромад олинмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ферма мудири Алимардон Номозов чорвадор Рашид Бозоров билан озуқа сарфи ҳақида суҳбатлашмоқда. 2. Тракторчи Барот Эшмуродов чорвадорлар оғирини енгил қиляпти. 3. Бузоқбоқар Холмурод Тоиров.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

ҲОСИЛ БАРАКАСИ КУЗДАН БОШЛАНАДИ

Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги зафар қучди. Жамоа пахтакорлари туманда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш режасини уддалашди. Тайёрлов шоҳобчаларига 1840 тоннадан зиёд оқ олтин етказиб берилди. Уларнинг асосий қисми биринчи навларга тоширилди. Бунга қандай эришилди, деган савол тугилади.

— Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, деган нақл бор халқимизда. Биз ана шу мақолга амал қилган ҳолда, биринчи навбатда мавжуд 660 гектар пахта майдонини кузда сифатли қилиб шудгорлаб қўйгандик, — дейди биз билан суҳбатда хўжалик раиси Миробид Мирбобоев. — Шу боис эрта баҳорда пахта майдонларида кесак умуман бўлмади. Иккинчидан, жамоамиз аъзолари нав танлашда адашишмади. Бошқача айттанда, асосий майдонларга «С-6524» нави экилди. Унинг ҳосилдорлиги гектарига 30—35 центнерни ташкил этади. Бу нав эртапишарлиги билан диққатга сазовор ва 120—125 кунда етилади. Бу муваффақиятга эришиш учун гўза парваришига зур берилди. Масалан, пахта етиштиришнинг вегетация даврида у 6 марта культивация қилинди. 5 марта суғорилди. Агарда хўжалигимизнинг 80 фоиз ери насослар ёрдамида суғорилишини ҳисобга олсак, бу юмушни бажаришнинг узи бўлгани йўқ. Бунинг учун мавжуд насосларнинг ҳар бири назорат остида бўлиши талаб қилинади. Чунки уларнинг бир нечтаси бирданига бузилиши ёки қуйиб кетиши мумкин. Бу салбий ҳодисаларнинг олдини олиш учун мавсумга яхши тайёрландик. Суғориш даврида барча имкониятлардан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари парвариш пайтида ерни тўйинтиришга муҳим эътибор қаратилди. Ғузага 850—900 тонна атрофида ўгит берилди. Шудгорлаш вақтида пахта майдонларига 3,5 минг тонна маҳаллий ўгит чиқарилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хўжалик пахтакорлари ғайратига ғайрат қўшди. Бу муҳим ҳужжатда теримчиларни моддий манфаатдор қилиш мақсадида қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун камида 3,5 сўмдан ҳақ тўланиши белгиланганди. Биз бу рақамни янада юқори кўтариб бир килограмм оқ олтин учун 4 сўмдан теримчиларимизга санаб бердик. Тўлов ҳар беш кунда амалга оширилди. Бундан ташқари кунига 100 килограммдан ошириб пахта терган илғорга 2 килограмм ёг ва бошқа маҳсулотлар берилиб турилди. Ахир ўзингиз ўйланг. Ўн кун мобайнида 100 килограммдан оқ олтин йиғиштириб олган теримчи биринчидан, 4000 сўм пулини олади, иккинчидан 20 килограмм ёгга эга бўлади. Натижада жамоанинг 4-бригадасидан Қаноат Илёсова, Мелихон Зиёева, Дилором Иллатова, 7-бригадасидан Хайринисо Тўлаганова, Матлуба Мўминова сингари теримчилари мавсумда 6 тоннадан ошириб оқ олтин тердилар.

Қарорда кўрсатилганидек биз шу йил 1 сентябргача туман хўжаликларининг моддий-техника базаси йиғим-теримга тайёрлаб қўйилди ва мавсум юқори ташкилий даражада ўтказилди. Тўғри, техникани, айниқса пахта териш машиналарини мавсумга тайёрлашда баъзи бир муаммолар тўғилди. Нимага деганда ўзимизда мавжуд бўлган техниканинг асосий қисми муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Машиналарга эҳтиёт қисм ва шиналар топиш жуда қийин кечди. Шунга қарамасдан юқоридаги ва бошқа қийинчиликларни бирма-бир бартараф этилишига ҳаракат қилинди. Шу боис жамоанинг Абдурасул Абдураҳимов ва Абдуқаҳҳор Собиров каби механизаторлари ўзларининг пахта териш машиналари ёрдамида 110—120 тоннадан зиёд оқ олтин териб, хўжаликнинг давлатга пахта сотиш режасини бажаришда муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидланганидек, хўжаликда ерни ўз вақтида тайёрлаш, пахта навини тўғри танлаш, гўза парваришини ўз вақтида адо этиш, жамоа аъзоларини моддий манфаатдор қилиш эвазига оқ олтин ўз вақтида териб олиниб, юқори сифатли пахта қабул пунктларига топширилди. Биз буни хўжаликнинг Ҳамид Комилов бригадасида бўлганда кўрдик. Жамоада теримчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, улар учун иссиқ овқат ташкил қилинган. Терилган пахта ҳеч бир муаммосиз пешма-пеш қабул қилиниб олинмоқда. Маълум бўлишича, бригаданинг 70 гектар ери бор экан. Жамоа пахта йиғим-терим режасини қисқа муддатларда адо этиб, ҳосилдорликни гектарига 30 центнердан ошириб юборибди. Шунингдек, хўжаликнинг Саидаҳмад Раҳимхўжаев, Тўлқин Комилов бошқараётган бригада азаматлари ҳам умумий хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишиб, ҳосилдорликни аллақачон 30 центнердан ошириб юборишди. Айни кунларда бу ерда йиғим-терим давом этмоқда. Чунки Янгийўл тумани пахтакорлари ҳам баҳоли қудрат меҳнат қилишиб, кундан-кунга маррага яқинлашиб келмоқда. Хўжалик деҳқонларининг мақсади эса ҳозирги кунлардан унумли фойдаланиб, ана шу режаларнинг бажарилишини иложи борича тезлаштиришдан иборатдир.

Ю. ГУЛОМОВ.

ОҚИБАТ ЙЎҚОЛМАСИН

Хайр-саҳоват, мурувват кўрсатиш ота-боболаримиз удуми, — дейди «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Фарғона бўлими раиси Мирзажон Исломов, — бунга амал қилаётган жамиятимиз далаларда фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатмоқда.

Яқинда халқаро жамғарманинг вилоят бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда вилоят ҳокимлигининг фармойишларида белгиланган «Экология ва саломатлик кунларини ўтказиш тадбирларига асосан «Саломатлик автопоезди»ни ташкил этди. Автопоезднинг мақсади табиий офатдан зарар кўрган Фарғона тумани хўжаликлари аҳолисига моддий, тиббий ва маънавий ёрдам кўрсатиш эди. Шу боис 130 минг сўмлик дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари олиниб тиббиёт ходимлари билан туманнинг «Оқ олтин» жамоа хўжалигига келишди. Хўжаликнинг илғор пахтакори Раҳмиддин Турдиматов етакчилик қилаётган бригада дала шийпони теримчилар, ёрдамчилар ва онахон-отахонлар билан гавжумланди. Туман ҳокими Ҳомиджон Йўлдошев сўзга чиқиб, ҳозирги долзарб паллада пахтакорларга катта инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётганлиги учун «ЭКОСАН» жамғармасининг вилоят бўлимига миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг келтирилган дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар аҳолига тарқатилди. Эл бошига ташвиш тушганда жасорат кўрсатган бригада аъзолари — илғор теримчилар Барчиной Қобулова, Солия Абдуллаева, Сора Бозорова, Зуҳра Қучқорова, Ширмоной Тўйчиева, Мақсуда Деҳқонова саховатли ёрдам учун миннатдорчилик изҳор этдилар. Йиғилганларга вилоят маданият бошқармаси бадиий ҳаваскорлари, «Водил чашмаси» ансамбли, олтиариқлик хуповоз хонандалар концерт дастурини намойиш қилдилар.

«Саломатлик автопоезди» аъзолари Чимён, Миндон қишлоқларидаги шифохоналарга дори-дармонлар, 7, 8, 9-мактаблар ва болалар боғчаларига ҳам иссиқ кийимлар, ошхоналарига Риштоннинг идиш-товоқларини, озиқ-овқат маҳсулотларини топширишди.

М. РАҲИМЖОНОВ.

ЛАЁҚАТ, ЭҲТИЁЖ ВА БЕМИННАТ КЎМАК

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти инсонга фаравон турмуш шароитини яратишга қаратилган. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида биз ишсизликнинг мавжудлигини очиқ-ойдин тан олишимиз ва уни камайтириш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Хўш, бу борада давлат бандлик хизмати идоралари қандай иш олиб боришяпти? Мухбиримизнинг Самарқанд вилояти меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Фарида ЗИЁМУҲАММЕДОВА билан суҳбати ана шу хусусида.

— Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари меҳнаткашларнинг мададкор ташкилотига айланиб бормоқда. Бошқарманинг жорий йил дастуридан қандай тадбирлар ўрин олган?

— Тан олиш керакки, собиқ ижроқўмлар қошидаги «Меҳнат бўлими» ўрнига фаолият қуламига кўра бутунлай янгича мазкур ташкилотнинг ташкил этилишига дастлабки пайтларда кўплар бироз ишончсизлик билан қарашди. Ана шу тассаввурни чиқариб ташлаш учун астойдил ишлашимизга тўғри келди. Нажот сўраб келган фуқароларга амалий ёрдам бердик. «Ишсиз» деб ном олган фуқароларни дастлабки икки-уч ой ўз ҳисобимиздан «боқиб» турдик. Шу аснода унинг мутахассислиги, лаёқатига яраша иш топиб бердик.

Иш дастуримизга келсак, уни тузишда бозор иқтисодининг синовларини, қолаверса Узбекистонимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлини алоҳида ҳисобга олганмиз. Ишимиз компьютер асосида ташкил этилган. Шу боис бошқармамизга қанча одам иш сўраб мурожаат қилгани, қайси ташкилотда қандай касблар бўйича қанча иш ўрни бўшаганлиги бизга ойнадай равшан бўлиб туради. Аммо, бу воситачилик билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу сабабдан бевосита меҳнат биржаларининг ташаббуслари билан жойларда кичик корхона, деҳқон (фермер) хўжаликлари, турли фирмалар очиш, яъни янги иш ўринларини бевосита ўзимиз ташкил этишга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Масалан, Самарқанд тумани меҳнат биржаси қошидаги «Меҳнат» фирмасида 15 нафар чевар дўппи тикишаяпти. Ургут туманидаги «Қобил» кичик корхонаси, Тойлоқ туманида «Парвоз» ҳиссадорлик жамияти, Булунғурда «Нодир» кичик корхонаси ҳам бизнинг маблағимиз ҳисобига ташкил этилиб, бугунги кунда муваффақиятли фаолият кўрсатаётир.

— Иш билан таъминлаш бошқа, ўзларининг лаёқати, қизиқиши, қолаверса ўз касби бўйича ишга жойлашиш бутунлай бошқа нарса. Бу мураккаб вазифа ташкилотлар, кичик ва қўшма корхоналар, ширкатлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлашни талаб қилади, шундай эмасми?

— Бу борадаги муносабатларимизни муайян изга солиш, орада номутаносиблик ёки келишмовчилик юзага келмаслиги учун улар билан йил бошида шартнома тузиб оламиз. Унда ҳар иккала томон манфаатлари ҳисобга олинади. Қолаверса, бу муносабатлар қонуний тусда булади. Бу борада вилоят ҳокимиятининг бизга кўрсатган ва кўрсатаётган ёрдамини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бошқармамизга шу кунгача мурожаат қилган фуқаролар сони 15563 бўлса, улардан 2642 нафарига вақтинчалик нафақа тайин этганмиз. 6027 нафари эса иш билан таъминланди, 981 кишини эса турли касблар бўйича қисқа курсларда ўқишга жойлаштирдик. Бундан ташқари эҳтиёжига қараб баъзи ночор оилаларга моддий ёрдам ҳам уюштираяпмиз. Жумладан, 1997 йилнинг саккиз ойи якунига кўра шундай оилаларга 900 минг сум миқдорида моддий ёрдам уюштирдик.

— Ўрта мактабларни битирган ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам ўқишга кириб кетавермайди. Уларни ишга жойлаш, касбга йўналтириш ҳам фаолият дастурларингизда борми? Бу борада мактаблар ёки бошқа ўқув юртлари билан алоқаларингиз қандай?

— Вилоят халқ таълими бошқармаси, қолаверса мактаблар, ўрта махсус билим юртлари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Билим даргоҳларини битираётган талабаларни рўйхатга оламиз, қизиқишларини ўрганамиз. Сўнгра уларни билим юртлари ёки қисқа муддатли курсларга йўллаймиз. Масалан, жорий йилда мактабни битириб, меҳнат бозорига чиққан 931 нафар йигит-қиз бизнинг маблағимиз ҳисобидан касб ўрганишга йўналтирилди. Уларнинг 7-8 фоизи ночор оилаларда усаётган болалар булганлиги боис, мураббийлик асосида, шогирд сифатида ишга жойлаштирилди. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпгина мактаб раҳбарлари бу долзарб масалага сидқидилдан ёндашаяптилар, деб бўлмайди.

— Маълумки, Самарқанд шаҳрида норасмий «Меҳнат биржаси», яъни мардикор бозори борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунга Сиз нима дея оласиз?

— Бу муаммо фақат Самарқандда эмас, балки барча катта шаҳарларда ҳам бор.

Кейинги пайтда бир нарсани ўйлаб юрибман. Биз ана шу бозорни ўрганиб, фаолиятини мувофиқлаштирсак худди йирик шаҳарлардаги сингари «беминнат хизмат идоралари»га шу кучни бирлаштирсак, аъло иш буларди. Бироқ, хозирча бунинг иложи бўлмай турибди. Лекин, жойларда буш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этаётганлигимиз бу бозордаги мардикорлар сонини камайтириб қўйди, десак бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти Узбекистонда яшовчи барча фуқаролар қўлидадир. Юртимиз бой, иқтисоди бақувват, буюк юрт бўлсин десак, қўлни-қўлга бериб бирлашиб, биргалашиб ҳаракат қилишимиз даркор.

Суҳбатдош Ҳайрулла ҲАМРОЕВ.

1997 — Инсон манфаатлари йили

Тошкент — Ўш автомобиль йўлини янгилаш, кенгайтириш ишлари жадал бошлаб юборилганига икки йилдан ошяпти. Бунёдкорлик ишига 300 дан ошиқ техника воситалари, бир неча минг ишчи ва мутахассислар жалб қилинган. Шу кунга қадар йўлсозлар катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширишди. Олдинда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ишларни янада тезлаштириш мақсадида ихтисослашган «Автойўлтаъмир» трести ташкил этилиб, йўлсозлик ишлари уч сменада олиб бориладиган бўлди. Бу йўл келгусида Хитой мамлакатига қадар узайтирилади. Янги созланган йўл илгаригисига нисбатан 3 метр кенг бўлиб, бир кеча-кундузда 10 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга. У халқаро миқёсдаги равон, бехатар йўллар даражасига кўтарилади.

Суратда: Тошкент-Ўш автомобиль йўли қурилишидан лавҳа.

В. ГРАНКИН олган сурат.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

АНДИЖОН вилоятининг Жалолқудуқ туманида Т. Тошматов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасидаги Дўнғишлоқда замонавий даволаш пункти очилди.

«Вилоятжамоахўжаликқурилиш» трестининг 123-механизациялашган кўчма колоннасига қарашли қурувчилар бригадаси бинони ярим йилда қуриб битказди. Шифохона замонавий ташхис ва муолажа воситалари билан жиҳозланган.

НАВОИЙ шаҳрида вилоят болалар шифохонаси ишга тушди. Юз ўринли даволаш маскани хориждан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Унда болалар билан бирга оналари ҳам даволанади. Бу ерда дорихона ва поликлиника ҳам беморлар хизматида.

ФАРҒОНА вилояти Фурқат туманидаги Қулбобо қишлоғида шифо маскани қуриб битказилди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу қишлоқ врачлик пунктида кундузи ётиб даволаниш бўлими ҳам бор. Шифохона хизматидан қўшни қишлоқларнинг аҳолиси ҳам фойдаланмоқда.

«Муштум» деҳқонлар ҳузурида

БАХИЛ БОШИ ТОШГА ТЕГДИ

Ҳажвия

Қўшним Матмурод фермер бўлди-ю, менинг оромим йўқолди. Бу йигитни азалдан ёқтирмайман. Нега десангиз, мендан беш-олти ёш кичик бўлса ҳам уни қўшниларим «Матмурод кўпчиликка бош буладиган тадбиркор йигит», деб мақтайверишади. Бу ҳам етмаганидек, ўзи уқитувчи, фермер бўлиб олди.

Ҳамманинг қўйи иккита туғса, уники учта туғади-я! Менинг эса биргина сигирим бор-у, у ҳам бўлса икки йилда битта туғади! Ё берганга қўшқўллаб беради, деганлари шумикан-а? Яқингинада Матмуродниг сигири яна иккита туғибди! Эшитишим билан нақ ёрилиб кетай дедим! Хуллас, Матмуродни мақташса, менинг чап кўкрагим ачишиб, азобдан тўлганиб кетаман. Падарингга лаънат хотиним ҳам «бахил боғи кўкармас, Матмуродни ёмонлагунча меҳнат қилиш керак» деб пичинг қилади.

Бир кун қарасам, Матмуроднинг ола ғунажини ипини узиб менинг сигирим олдидаги сувни ичаяпти. О, фурсат етди дедим-у, Матмуродни боғлаб бир чақиб олдим: «Қўшни, мол деганни боғлаб қўйиш керак, бировга зиёни тегмаслиги даркор!!!»

Бир куни бунинг бир адабини бериб қўяй дедим-у трактордан бир челак саларкани сездирмасдан олиб, кечки томон Матмуроднинг ғунажини келадиган тарафга қаратиб қўйдим. Ичса улади! Мен айбдорманми, нима моли бўлса қарасин-да, дедим ўзимга-ўзим. Кечаси ўн иккиларда бориб қарадим, саларка турибди! Кейин чарчаб ухлаб қолибман. Эрталаб шоша-пиша молхона томонга югурдим, не кўз билан кўрайки, ўзимнинг биттаю-битта сигирим ўлиб ётари.

Энди хотиннинг шангилдашини кўринг. Ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Қўшниларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси чиқиб, ҳол сўрашади. Менга эса малол келади, гўё улар худди томошага чиқишгандек, бўлиб туюлаверади.

Бир пайт Матмурод ҳам келди. Аввал ҳол-аҳвол сўради. Кейин битта сигирни етаклаб чиқди:

— Қўшни, жўжабирдай жонсизлар. Мана буни то сигир олгунларингизгача соғиб ичиб турингизлар, — деса бўладими!

Бирдан жаҳлим чиқиб кетди. «Э, бор-э, Ҳотамтойлигингни катта холанга қил, деб юборгим келди-ю, демадим. Сабаби, унда меҳр-оқибат бор эканки, менга ёрдам қўлини чузаяпти-да!

Янгангиз иккаламиз миннатдорлик билдириб сигирни олиб қолдик. Сизларга маслаҳатим шуки, азизлар, бировга бахиллик қилманглар, халқимиз бахилни боғи кўкармас, деб рост айтган экан.

Акбар ТОВМУРОДОВ,
Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Амир Темур номли жамоа хўжалиги.



Адолат торозуси асло қилмас хиёнат,
Пахта қанча тош босса, кам бўлмагай даромад.
Рассом: Осимхон ВОСИХОНОВ

Бирни ўнга пуллаш учун боргандилар,
Боридан ҳам айрилишиб хорландилар...
Рассом: Абдуғоффор МАМАТОВ

«МУЪЖИЗАКОР» МУТТАҲАМ

Бир камбағал киши обрўли одам билан тортишиб қолди. Иш охири жанжалга айланиб, камбағал рақибининг бошига етди.

— Агар бир муъжиза кўрсатсам, гуноҳимдан кечасизми? — деди у қозига ёлвориб. Қозига бош силкигач, сўзида давом этди:

— Мен шундай муъжизакор одамманки, ўлганларни тирилтира оламан. Сизни ҳам аввал у дунёга жўнатиб, сўнг ўзим қайта тирилтираман. Розимисиз?

Буни эшитган қози кулиб, деди:

— Эй сен, «муъжизакор» муттаҳам, гувоҳингдан-ку кечдим, энди сен ҳам «муъжиза»нгдан кеча қол.

ТОВУҚ ЎҒРИСИ ВА ҚУДУҚ

Бир одам ҳиммат қилиб, қишлоқни шаҳар билан боғлаган йўл ёқасида қудуқ қазиди. У ёқ-бу ёққа ўтган йўловчилар қудуқ бўйида тўхтаб, ташналикларини босиб, қудуқ қазиганни дуо қилиб ўтишарди. Иттифоқо шу қудуққа тунда кимдир тушиб кетиб, чўкиб ўлди. Баъзилар энди фалончи қудуқ қазиганида пистончи ўлмасмиди, дея уни қарғашга тушибдилар.

Кейинроқ маълум бўлишича, чўкиб ўлган кимса кўпдан буён қўлга тушмай юрган товуқ ўғриси бўлиб чиқди. Ўғридан қутулганлари учун одамлар яна қудуқ қазийдиган кишини мақтай бошладилар ва уни бир сават тухум билан сийладилар.

ЭНГ МУҲИМИ — «САБР-ҚАНОАТ»

Бир кишининг қалин ўртоғи мансабга минди. Дўсти унга насиҳат қила бошлади:

— Доимо эсингда тут, энг муҳими — сабр-қаноатдир.

— Яхши, — деди ошнаси унга жавобан. Эсингдан чиқмасин, энг муҳими — бу, сабр-қаноат, — ўгит иккинчи бор такрорланди.

— Хўп, — деди мансабдор, — маслаҳатингга амал қиламан.

Дўст оғайнисига учинчи марта панд-насиҳат қилишга киришди:

— Илло-билло унутмаган, энг муҳим нарса — сабр-қаноат...

Шунда амалдор тутақиб, биродарига ўшқирди:

— Нима, мени жинни деб ўйлаяпсанми? Ўргилдим ўша кароматингдан!

— Ана кўрдингми, — деди босиқ дўст, — сенга шунча айтганим билан барибир сабр-қаноат қилишга кучинг етмади.

ЖИННИ

Бир юртнинг подшоси «фуқаром менинг ҳақимда қандай фикрда экан», деган ўй билан фақирона кийиниб, одамлар орасига кирди. Бир жойга борса, дарахт соясида бир кимса ўтирган экан. Ундан сўради:

—Мамлакатингиз подшоси қандай одам? Яхшими, ёмонми?

— Дунёдаги жами подшоларнинг энг ёмони шу, — деди ҳалиги одам. Шунда ҳукмдор ғазаб отига миниб, ўдагайлади:

— Ҳой, биласанми, мен шу юртнинг подшоси буламан.

— Шундоғми, ҳа, ҳа, подшо эканлигингиз кўриниб турибди, лекин биласизми, мен кимман?

— Йўқ, — деди подшо.

— Мен жинниман, — деди ҳалиги киши, — ҳар ойда бир кун жинни буламан. Бугун худди ўша кун.

Подшо нима деярини билмай йўлига равона бўлди. Эртасига келиб, яна ўша саволини такрорлади.

— Бирон нима деяолмайман, — деди бу гал у одам, — сабаби, бугун жинни эмасман...

Олмон тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

ЛАТИФАЛАР

ТЕША ТЕГМАГАН МАҚОЛЛАР

- Кимга метр, кимга литр.
- Харид қилган чойингдан хашак чиқса, сотувчидан ўпкалама.
- Уйингда дўкон очсанг, дуконга югурмайсан.
- «Қаро кўзим...» дегунча, «қора кўзим», десанг-чи.
- Ота ўгил бой бўлса, отага ақл ўргатар.
- Ақллининг беақлдан фарқи пул санаганда билинади.
- Тош кўтаргунча, мош кўтар.
- Нотанишдан таниш яхши.

Тонмагандан тониш яхши.

Ғиёс КОМИЛОВ.

ТУЛКИЛИК

Ажойиб думи бор тулкининг алҳол,
Бирам кўркамгина такаббур ва соз.
Шерга ҳам йўл бўлсин, бундайин маҳал,
Шерни ҳам алдайди вақтида оз-моз.
Ҳайвонлар устидан кулиб кўямиз,
Масхара қиламиз ўз-ўзимизча,
Дўстни ғам босганда думни тугамиз,
Қани етолсин-чи Тулки ҳам бизга.
Э, ҳаёт! Ҳақ бўлсанг ўзгинанг асра,
Думли Тулкидан-ку кўркар жойим йўқ,
Думсиз тулкиларга дуч қилма сира.

Иброҳим ПАЙДО

АЖОЙИБ БОШЛИҚ

Бошлиққа хўп ёлчиганмиз
Сенга айтсам ростини.
Бу атрофда ҳеч бировга
Менгзаб бўлмайди уни.
У шунақа маданийки,
Таърифига йўқдир сўз.
Қўл остидагилар билан
Бамисоли қошу кўз.
Эрта билан кулиб қарши
Оладилар ҳаммани.
Сўрар: — ий-ичилар тинчми?
Соғми барча жон-тани?
Талаб қилмас пора, совға,
Берсангиз ҳам олмайди.
Таъзия, тўй бўлган жойдан
Эса асло қолмайди.
Бирон ходим касал бўлса
Хабар олар ҳолидан.
— Огоҳ бўлиш керак — дейди
Одамлар аҳволидан.
Ичкиликни жинидан ҳам
Ёмон кўради жуда.
На ароқ бор, на коньяк бор,
Очсангиз гар сейфида.
Бир иш қилса, сўрар фикр,
Дер: «Ёлғиз от ўзмайди».
Мажлисни ҳам қилар қисқа
Беш соатга чўзмайди.
Шу боисдан ишлар «гумбир»,
Кулиб боқмоқда омад.
Жамоага уст-устига
Берилмоқда мукофот.
Машинаси енгил қилар,
Ходимларнинг оғирин.
Минмас унга болалари,
Сўрасангиз демас ғиринг.
Эй ўқувчим, сезаяпман,
Ишондинг-а бу гапга.
Агар шундай раҳбар кўрсанг,
Тез жўнат биз тарафга!

Ўткир САЙДОВ.

СЕВИМЛИ ЖУРНАЛИМИЗГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНА УЧУН: ИНДЕКС - 842, -492 СЎМ.
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН: ИНДЕКС - 843, -612 СЎМ.

Пайн ва Пайн-Минтол —Жанубий Корея сигареталари

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0735, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.